

ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Бугун Ўзбекистон улкан транспорт салоҳиятига ҳамда юкларни ва йўловчиларни барча йўналишларда ва транспортнинг барча мумкин бўлган турларида ташиш учун республика эҳтиёжларини қондиришда ноёб имкониятларга эга. Мамлакатда транспортнинг мустақиллиги таъминланган ва унинг барча ҳудудларини бир-бири билан боғлайдиган миллий тизим яратилган. Шу билан бирга, республикада яратилган самарали транспорт тизими ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва бошқа давлатлар билан интеграциялашув омили сифатида хизмат қилади.


Юк ташиш. 2018 йил январь-июнь ойларида транспортнинг барча турлари томонидан 574,1 млн. т юклар ташилди, бу 2017 йил январь-июнь ойларига нисбатан 104,8 % ни ташкил этади. Шу билан бирга, юк айланмаси 34,9 млрд. т/кмни ташкил этди ёки 2017 йил январь-июнь ойларига нисбатан 4,6 % га юқори бўлди.

Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси


	<i>2018 йил январь-июнь</i>	<i>2017 йил январь-июнга нисбатан %</i>
Транспортда ташилган юклар, млн.т	574,1	104,8
темир йўл транспорти	33,4	100,8
автомобиль транспорти	504,0	104,6
ҳаво транспорти, минг.т	9,3	68,5
кувур транспорти	36,7	111,0
Транспорт юк айланмаси, млн. т/км	34 890,4	104,6
темир йўл транспорти	11 595,6	100,1
автомобиль транспорти	6 487,7	102,9
ҳаво транспорти, минг.т	60,3	80,6
кувур транспорти	16 746,8	108,9

Умумий юк ташиш ҳажмида энг юқори улушни автомобиль транспорти – 87,8 % эгаллайди, бошқа транспорт турларида юк ташиш улуши 12,2 % га тўғри келади.

Транспорт турлари бўйича юк ташиш таркиби, юк ташиш умумий ҳажмига нисбатан % да



Умумий юк айланмаси ҳажмида 48,0 % улуш қувур транспортига, 33,2 % улуш темир йўл транспортига, 18,6 % улуш автомобиль транспортига тўғри келади.



**Юк айланмаси,
100 %**

**Қувур йўли транспорти
48,0 %**

**Темир йўл транспорти
33,2 %**

**Автомобиль транспорти
18,6%**

**Ҳаво йўли транспорти
0,2 %**


Магистрал темир йўл транспорти орқали юкларни жўнатиш 0,8 % га ошиб, 33,4 млн. тоннани ташкил этди. Темир йўл транспорти орқали ўртача бир кунда юкларни жўнатиш 185,4 минг тоннани ташкил этди ёки 2017 йил январь-июнь ойларига нисбатан 0,8 % га ошди. Бир тонна юк жўнатишнинг ўртача масофаси 347,4 км.ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даври даражасидан 0,7 % га паст бўлди.

Магистрал темир йўл транспортида ортилган асосий турдаги юклар ҳажми
(2018 йил январь-июнь ойлари учун)

	<i>Минг.т</i>	<i>Ҳами ҳажмга нисбатан улуши, %</i>	<i>2017 йил январь-июнга нисбатан %</i>
Юклар – жами	33380,6	100	100,8
<i>шундан:</i>			
кўмир	2349,8	7,0	105,2
нефть юклари	3131,8	9,4	57,5
турли рудалар	2630,1	7,9	106,0
қора металллар	461,6	1,4	107,8
қора металл парчалари	470,0	1,4	116,6
кимёвий ва менирал ўғитлар	1858,6	5,6	88,3
қурилиш юклари	2808,1	8,4	87,6
цемент	2363,6	7,1	97,8
ёғоч юклари	8,8	0,03	82,5
пахта толаси	91,5	0,3	47,9
дон ва ёрмалар	972,2	2,9	156,3
бошқа юклар	16234,5	48,6	119,6


Шу билан бирга, юк ва йўловчиларни ташишда автомобиль транспорти ҳам катта роль ўйнайди.

Автомобиль транспортида юк ташиш ҳажмининг таққосланиши, млн.т



Автомобиль транспорти орқали 504.0 млн. тонна юк ташилди, бу 2017 йил январь-июнь ойларига нисбатан 4,6 % га кўпдир. Автомобиль транспортининг юк айланмаси 2.9 % га ошиб, 6.5 млрд. т/кмни ташкил этди.

Худудлар бўйича автомобиль транспортида юк ташиш таркиби, % (2018 йил январь-июнь ойлари учун)



Худудлар бўйича автомобиль транспорти орқали юк ташиш умумий ҳажмида энг юқори улушни Навоий вилояти – 30,9 %, Тошкент вилояти – 15,1 % ва Тошкент шаҳри – 14,1 % эгаллайди.


Юкларни ҳаво транспорти орқали жўнатиш 9,3 минг тоннани ташкил этиб, 2017 йил январь-июнь ойлари даражасидан 31,5 % га паст бўлди. Юк айланмаси 19,4 % га камайиб, 60,3 млн. т/кмни ташкил этди.

Ҳаво транспорти юк ва йўловчи айланмасининг таққосланиши




Магистрал қувурлар орқали 36,7 млн. тонна газ (2017 йил январь-июнга нисбатан 11.0 % га кўп) ва 28,0 минг тонна нефть (8,0 % га кам) қўйилган. Магистрал қувурлар юк айланмаси 8,9 % га ошиб, 16.7 млрд. т/кмни ташкил этди.

Қувур транспорти орқали юк ташиш таркиби




Йўловчи ташиш. Транспортнинг барча турлари бўйича йўловчи ташиш 2017 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан 2,4 % га ошиб, 2866,5 млн. кишини ташкил этди. Йўловчи айланмаси 66,1 млрд. йўловчи/кмга етиб, 2,8 % га ошди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи айланмасининг ўсиш суръати
(2018 йил январь-июнь, 2017 йил январь-июнга нисбатан, % да)



Йўловчи айланмаси бўйича юқори ўсиш суръатлари электр транспортида - 114,1 % ва ҳаво транспортида – 113,1 % кузатилди. Темир йўл транспортида бу кўрсаткич 100,2 % ни, автомобиль транспортида эса -102,3 % ни ташкил этди.

Темир йўл транспорти юк ва йўловчи айланмасининг таққосланиши



Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўлови айланмаси

	<i>2018 йил январь- июнь</i>	<i>Жами ҳажмга нисбатан улуши, %</i>	<i>2017 йил январь- июнга нисбатан %</i>
Транспортда ташилган йўловчилар, <i>млн. киши</i>	2866,5	100,0	102,4
темир йўл транспорти	11,4	0,4	106,9
автомобиль транспорти	2818,7	98,3	102,2
ҳаво транспорти	1,2	0,04	109,2
шаҳар электр транспорти	35,2	1,3	116,7
<i>шундан:</i>			
метрополитен	33,0	1,2	113,4
трамвай	1,9	0,1	303,4
троллейбус	0,3	0,009	63,0
Транспорт йўловчи айланмаси, <i>млн. йўловчи/км</i>	66 107,7	100,0	102,8
темир йўл транспорти	2 116,4	3,2	100,2
автомобиль транспорти	59 845,5	90,5	102,3
ҳаво транспорти	3 886,7	5,9	113,1
шаҳар электр транспорти	259,1	0,4	114,1
<i>шундан:</i>			
метрополитен	240,6	0,4	113,4
трамвай	11,5	0,02	303,4
троллейбус	7,0	0,01	63,0

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш таркиби

2017 йил
январь-июнь



2018 йил
январь-июнь



Йўловчи ташишда энг юкори улуш автомобиль транспортига – 98,3 %, йўловчи айланмасида – 90,5 % тўғри келади.

2017 йил январь-июнь ойларига нисбатан автомобиль транспортида йўловчи ташиш 2,2 % га, йўловчи айланмаси – 2,3 % га ошган.

Темир йўл транспортида йўловчи ташиш 6,9 % га ўсиб, 11,4 млн. кишини ташкил этди. Йўловчи айланмаси 0,2 % га етди ва 2116,4 млн. йўловчи/кмни ташкил этди.

Ҳаво транспортида 1153,4 млн. киши ташилди, бу 2017 йил январь-июнь ойларига нисбатан 9,2 % га кўпдир. Йўловчи айланмаси эса 13,1 % га ошиб, 3886,7 млн. йўловчи/кмни ташкил этди.

Ҳаво кемаларининг кечикмасдан мунтазам етиб келиши 2017 йил январь-июнь ойларидаги 84,0 % ўрнига 85,4 % ни ташкил этди, 1469 авиапарвоз кечиктирилган, 1 та авиапарвоз бекор қилинган. Халқаро ташувларда ҳаво кемаларининг мунтазам етиб келиши 2,7 ф.п. кўпайиб, 84,7 % ни ташкил этди (2017 йил январь-июнь ойларида – 82,0 %).

Ҳаво кемаларининг жами кечикиш вақти 1254 самолёт-соатни ташкил этиб, 2017 йил январь-июнь ойларига нисбатан 27,5 % га камайган. Кечиктирилган парвозларнинг ўртача давомийлиги 17,5 % га қисқариб, 51 минутни ташкил этди.


Метрополитенда йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси 2017 йил январь-июнь ойларига нисбатан 13,4 % га ошган.

Алоқа ва коммуникация соҳаси

2018 йил январь-июнь ойларида алоқа хизматлари ҳажми 4158,2 млрд.сўмни ташкил этиб, 2017 йил январь-июнь ойларига нисбатан (амалдаги нархларда) 28,4 % га ошган.

Мобил алоқа хизматлари (Интернетни қўшган ҳолда) умумий алоқа хизматлари ҳажмида 66,7 % ни ташкил этди ва 2775,2 млрд.сўмга, шу жумладан аҳолига кўрсатилгани 2530,2 млрд.сўмга тенг бўлди.

Алоқа хизматлари таркиби, %



2017 йил январь-июнь ойларига нисбатан мобил алоқа хизматлари 22,0 % га, шу жумладан аҳолига кўрсатилгани – 25,8 % га ўсди.

2018 йил 1 июль ҳолатига мобил алоқа билан таъминланган абонентлар сони 21726,5 минг.абонентни, шу жумладан аҳолида 21099,1 минг абонентни ташкил этди. Аҳолининг мобил алоқа билан таъминланганлиги ҳар 100 киши ҳисобига 64 бирликни ташкил этди.

2018 йил 1 июль ҳолатига Интернет тармоғига уланиш хизматларини кўрсатиш учун рухсатномага эга хўжалик юритувчи субъектлар сони 577 бирликни, жамоавий уланиш пунктларининг умумий сони эса 394 бирликни ташкил этди.

Халқаро ахборот узатиш каналларининг ўтказиш қобилияти 140,0 Гбит/с ни ташкил этди.